

ORCID 0009-0007-8282-7704

**БУХОРО ВИЛОЯТИДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА
ФУҚАРОБАЙ ИШЛАШ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ БАРВАҚТ ОЛДИНИ
ОЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ**

Атажанов Ўткир Маматсалаевич

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси,
utkiratazhanov1983@mail.ru*

Аннотация: *Мақолада Бухоро вилоятида жамоат хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий масалалар таҳлил этилган.*

Таянч сўзлар: *ички ишлар органлари, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳамкорлик, ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш.*

**НЕКОТОРЫЕ АСПЕКТЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ РАННЕГО
ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ НАРУШЕНИЙ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ОБЩЕСТВЕННОЙ
БЕЗОПАСНОСТИ В БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ**

Аннотация: *В статье анализируются социально-правовые вопросы, связанные с ранней профилактикой преступлений при обеспечении общественной безопасности в Бухарской области.*

Ключевые слова: *органы внутренних дел, обеспечение общественной безопасности, сотрудничество, раннее предупреждение преступлений.*

**SOME ASPECTS OF IMPROVING THE EARLY PREVENTION OF
VIOLATIONS IN THE PROVISION OF PUBLIC SAFETY IN THE BUKHARA
REGION**

Annotation: *The article analyzes the social and legal issues related to the early prevention of crimes in the provision of public safety in the Bukhara region.*

Key words: *internal affairs bodies, ensuring public safety, cooperation, early prevention of crimes.*

КИРИШ

Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ҳар қандай жамиятда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим таркибий қисмидир. Хавф омилларини жиноий хулқ-атворга айланмасдан олдин аниқлаш ва бартараф этиш орқали ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат амалдорлари ва жамоат ташкилотлари аҳоли учун хавфсиз муҳит яратишда ҳамкорликда фаолият юритиши анча самарали ҳисобланади.

Юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жамоат хавфсизлигини, фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида ички ишлар органларининг самарали фаолияти ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Ушбу фаолиятда марказий ўринлардан бирини – жамиятда қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича вазифаларни бажариш эгаллайди. Бу эса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев илгари сурган ва тизимли равишда ҳаётга тадбиқ этилаётган “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” лиги тўғрисидаги бош ғоя бутун ички ишлар органлари фаолиятининг моҳиятини ташкил этиши, жиноятни аниқлаш, унинг негизини топиш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, уни жиловлаш мутасаддиларнинг энг асосий вазифаси, жиноятчига жазо беришдан кўра, жиноятни олдини олиш барча нарсадан афзал бўлиб, бунда ҳамкорликни кучайтириши, жиноятчиликка қарши кураш нафақат ҳуқуқ-тартибот органларининг, балки барчанинг фаолиятимиз мезони бўлиши, жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳам жиноятчиликни олдини олишда катта аҳамиятга эгаллиги ““Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” деган муҳим тамойилни амалга оширишда биз аввало, ана шу ижтимоий институтларнинг куч ва имкониятларига ҳам таянамиз” деган фикрларида яққол ифодаланган¹⁰.

Ҳуқуқбузарликларнинг асосий сабабларини бартараф этиш, хавфсизлик ва фаровонликнинг ижтимоий детерминантларини ҳал қилиш орқали, жамият раванқ топиши ва ўзларининг тўлиқ салоҳиятини рўёбга чиқаришлари мумкин бўлган адолатли ва инклюзив жамиятни яратиши мумкин, жамоат хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикасини такомиллаштириш индивидуал, шахслараро, жамоавий ва жамиятдаги бошқа омилларини ҳисобга олган ҳолда комплекс ва кўп қиррали ёндашувни талаб қилади. Жамиятнинг ўзига хос эҳтиёжларини қондиришга қаратилган тадбирларни амалга ошириш ва барча аҳоли қатламлари учун хавфсиз ва мустақкам жамият яратиш учун биргаликда ишлаш муҳим. Профилактик тадбирларни ўз вақтида ва самарали қўллаб, жамият хавфсизлиги ва тинчлигига устувор аҳамият бериш орқали фуқаролар соғлом ва эркин ҳаёт кечириш имкониятига эга бўлган адолатли ва фаровон жамият қуришимиз мумкин.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашга эришиш тараққиётнинг муҳим жиҳати бўлиб, бунда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамият фаровонлигига ҳисса қўшадиган турли омилларга комплекс ёндашув талаб қилинади. Таълимга эътибор ва малака ошириш дастурларини жорий қилиш одамларга ишга жойлашиш имкониятларини таъминлаш, танқидий фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш ва жиной хатти-ҳаракатларга олиб келиши

¹⁰ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т: Ўзбекистон НМИУ. 2016, – Б.13.

мумкин бўлган асосий муаммоларни ҳал қилиш имконини беради. Ривожланишнинг ушбу турли жиҳатларини ҳамкорликда ва инклюзив тарзда ҳал қилиш орқали жамоалар барча аҳоли учун хавфсизроқ ва хавфсизроқ муҳит яратишга ҳаракат қилишлари мумкин.

Давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ва аҳоли ўртасидаги ҳамкорлик ва инклюзивлик жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатлар самарали, барқарор ва жамиятнинг ўзгарувчан эҳтиёжларига жавоб беришини таъминлашнинг калитидир. Ривожланишнинг ушбу турли жиҳатларини комплекс ва интеграциялашган тарзда ҳал қилиш орқали келгусида кўзланган натижаларга эришиш осонлашади.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида янги тизимларни жамиятга тадбиқ этиш ва жинойтчиликка қарши курашиш ҳамда ҳуқуқбузарликларни олдини олишга қаратилган «фуқаробай» тизимини жорий этиш тўғрисида, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2021 йил 27 январь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида оммага маълум қилдилар. Юртбошимиз ўз нутқларида “Энди ишни “маҳаллабай” ташкил этишда маҳалла раиси, профилактика инспектори, мактаб директори, ёшлар етакчиси ёшлар муаммоларини “фуқаробай” аниқлайди. ... Энди маҳаллада “фуқаробай” ишлаймиз. Уйнинг ичидаги одамнинг кайфияти қандай? Нима мурод-мақсади бор? Нима муаммолари бор? Шуларни “фуқаробай” аниқлаб, сектор раҳбарлари олдида аниқ ва лўнда масалаларни қўйишлари шарт», – деб таъкидладилар. Шундай экан “фуқаробай” ишлаш тизимининг бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, уларнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- ҳар бир фуқаронинг муаммолари индивидуал тартибда аниқланади; - аниқланган муаммолар тегишли маълумотлар базасига ва темир дафтарларга киритиб борилади;

- мутасадди ташкилотларга муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ вазифалар берилади;

- аниқланган муаммолар индивидуал тартибда ҳал этилгунга қадар назоратга олинади;

- аниқланган муаммолар ҳал этилганидан кейин тегишли маълумотлар базасидан чиқарилади. “Фуқаробай” ишлаш тизими ижтимоий-профилактик аҳамиятга эга бўлиб, ўз навбатида жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва бошқа муаммолар биринчи навбатда, ёшлар ва аёллар ҳаётида акс этишига қаратилган. Бошқача айтганда, ёшлар ва аёллар ҳамда ишсизларнинг муаммолари жамиятдаги муаммоларнинг барометри ҳисобланади.

Адабиётлар таҳлили. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сонли “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сонли “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 01 мартдаги ПФ-81-сонли “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонларида жамоат хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишни фаолиятини такомиллаштиришга оид масалалар кўрилган. Жамоат хавфсизлигини таъминлашда ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишнинг криминологик жиҳатлари бўйича мамлакатимизда бир қанча тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, ушбу масала ҳуқуқшунос олимлар И.Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова, Р. Кабулов, Ш.Ё. Абдуқодиров, У.М. Мирзаев, Р.Имамов, Ҳ.Р. Очиллов, Р.Алтиев ва бошқалар томонидан тизимли таҳлил қилиниб, ўрганилган.

Тадқиқот методлари. Мақолани ёзишда тизимли таҳлил, мантиқий мушоҳада, қиёсий таҳлил, илмий ишларни шарҳлаш методларидан фойдаланилди.

Асосий қисм. Сўнгги йилларда барча соҳалар сингари ички ишлар тизимида ҳам кенг кўламли ва пухта ўйланган ислохотлар амалга оширилиб, жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини йўлга қўйиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича жиддий ўзгаришлар юз берди.

Хусусан, ҳар бир маҳалла, оила ва шахс кесимида жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этишда “фуқаробай”, “оилабай” ва “маҳаллабай” ишлаш орқали ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий профилактикасини таъминлаш ҳамда “Хавфсиз маҳалла” ва “Хавфсиз ҳудуд” тамойиллари асосида маҳалла жамоатчилиги билан ҳамкорликда ишлаш ички ишлар органлари фаолиятининг бош мезонига айланди. Профилактика инспекторлари барча хабарларга, жиноятларга ва ҳодисаларга муносабат билдирадилар ва профилактик ишлар олиб борадилар.

Келгусида нохуш ҳолат такрорланмаслиги учун профилактик тадбирлар ҳам самарали ва манзилли бўлиши учун буни қандай ўтказишни аниқ тушуниш керак. Нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун профилактика инспектори воқеа жойига жанжалли ҳолатнинг олдини олиш мақсадида воқеа содир бўлган жойда яшовчи маҳалла фаоли билан бирга ташриф буюриши шарт¹¹.

Шундай қилиб, «фуқаробай» ишлаш тизими орқали фуқароларнинг ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва бошқа муаммолари аниқланиб, ҳисобга

¹¹ Атажанов Ў.М. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги долзарб масалалар . (2023). World Scientific Research Journal, 12(2), 81–89. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2530> Б. 85.

олинадиди ҳамда мавжуд муаммолар жойида ҳал этилади, жамиятда ижтимоий мувозанат барқарорлаштирилади ва ҳуқуқбузарликлар содир этиш асосий сабаблари ҳамда шарт-шароитлари ўрганилади ва бартараф этилади.

Мазкур тизимни жамиятга тадбиқ этиш ҳамда бир меъёрда ишларни амалга ошириш мақсадида ҳамкорлик асосий ўрин эгаллайди.

Яъни, жамиятда бирон - бир ижобий натижаларга ёки кутилаётган мақсадларга эришиш борасида давлат органлари ҳамда жамоатчилик тузулмалари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилиши лозим.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, “фуқаробай” ишлаш тизими ҳамкорликда амалга оширилади. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, “фуқаробай” ишлаш тизими ваколатли субъектлар, шу жумладан ички ишлар органлари томонидан маҳалла, туман, вилоят кесимида ҳар бир фуқаронинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик ва бошқа муаммоларини индивидуал тартибда аниқлаш ва ҳал этиш орқали уларнинг жиноят содир этишининг олдини олишдан иборат ижтимоий профилактиканинг самарали методларидан бири ҳисобланади.

Жиноят ва ҳуқуқбузарликларни секторлар негизида “маҳаллабай” ва “соҳабай” муҳокама қилиб бориш амалиёти ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Шунга қарамасдан Бухоро вилоятида Ғиждувон тумани криминоген вазияти оғир деб топилиб¹², ушбу туманда 2023 йилда 51 та олдини олиш мумкин бўлган тан жароҳати билан боғлиқ жиноятлар содир қилинган. Хусусан, ушбу турдаги жиноятларнинг вояга етмаганлар томонидан ҳам содир қилинганлиги бу борада профилактик ишларнинг тўғри ташкил қилинмаганлигидан дарак беради.

Масалан: 2023 йил 22 май куни соат 10:00 ларда 2007 йилда туғилган вояга етмаган И.А. ўзи ўқийдиган ўрта мактабнинг ўйингоҳида ўзидан бир синф юқори синфда ўқувчи таниши 2006 йилда туғилган вояга етмаган Ш.Р билан юзага келган ўзаро келишмовчилик замирида жанжаллашиб қолиб, шу жанжал вақтида Ш.Р.ни юз қисмига қўл муштлари билан қасддан уриб, вояга етмаган Ш.Р.га ҳаёт учун хавfli бўлмаган, лекин соғлиқнинг узоқ вақт, яъни камида йигирма бир кун, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган даврда ёмонлашувига сабаб бўлган қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказган¹³.

Статистик маълумотларга кўра, Бухоро вилояти аҳолиси 2009704 нафарни бўлиб уларнинг 676414 нафарини 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар ташкил этади (0 ёшдан 3 ёшгача бўлгани 128086 нафар, 3 ёшдан 7 ёшгача 152817 нафар, 7 ёшдан 18 ёшгача 3 95511 нафарни ташкил қилади). Жамоат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бугунги кунда вилоятда вояга етмаганлар ва ёшларга боғлиқ қуйидаги жиддий

¹² Ўзбекистон Республикаси ИИБ, Бош Прокуратура, Миллий Гвардия, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 25.12.2023 йилдаги қўшма қарори.

¹³ Бухоро вилоят ИИБ статистика маълумотлари.

муаммолар мавжуд. Мисол учун, вилоятда 2023 йилда вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан жами 1465 та жиноят содир қилинган бўлиб, бундан 31 тасини 14-15 ёшдаги, 88 тасини эса 16-17 ёшдаги, 623 тасини 18-24 ёшдагилар, 723 тасини эса 25-30 ёшдаги шахслар содир этган. 2022 йилнинг 9 ойи мобайнида Бухоро вилоятида жами 3462 та жиноятлар қайд этилиб, ўтган йилга нисбатан 8 тага ёки 0,23 фоизга, жиноят қидирув соҳасидаги жиноятлар эса 149 тага ёки 6,37 фоизга камайишига эришилган. Вилоятдаги мавжуд 544 та маҳалланинг 283 таси ёки 52,0 фоизида жиноят содир этилишига йўл қўйилмаган бўлса, 152 тасида ҳолат барқарор сақланишига эришилган.

Рўйхатга олинган жами 3462 та жиноятнинг 1155 таси ёки 33,4 фоизи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ташаббуси билан аниқланган. Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган 2720 нафар хотин-қизларга “Ҳимоя ордер”лари берилган. Пробация хизмати назорат остидаги шахсларнинг 3295 нафари “тузалиш йўлига ўтганлар”, 189 нафари “жиноят содир этиш хавфи юқори” ҳамда 236 нафари “жиноят содир этишга мойил” тоифаларга ажратилиб, уларнинг ҳар бирига соҳавий хизмат раҳбарлари ва тажрибали ходимлар бириктирилган.

Маҳаллаларнинг “қизил”, “сарик”, “яшил” тоифаларга ажратилиши аҳоли муаммоларини “маҳаллабай”, “оилабай” ва “фуқаробай” ишлаш орқали ҳал этиш ҳамда энг оғир ва низоли вазиятларни ҳуқуқбузарликка айланмасидан маҳаллаларнинг ўзидаёқ аниқлаш ва бартараф этиш имконини бермоқда¹⁴. Эришилган ижобий натижалар билан бир қаторда вилоят ҳудудини жиноятчиликдан ҳоли ҳудудга айлантириш борасида айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Жумладан, номусга тегиш, босқинчилик, безорилик, ўртача оғир тан жароҳат етказиш, автотранспорт воситасини олиб қочиш жиноятларининг сезиларли даражада кўпайишига йўл қўйилган. Вилоят миқёсида жиноятчилик сони камайганлигига қарамасдан, Бухоро шаҳри, Бухоро ва Ғиждувон туманларида жиноятлар салмоғи юқориликча қолиб, қайд этилган жами 5339 та жиноятнинг 1799 таси ёки 51,8 фоизи ушбу 3 та ҳудуд ҳиссасига тўғри келмоқда.

Соҳалар бўйича жиноятлар муҳокамасида Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармалари раҳбарлари иштирок этиши белгиланган бўлсада, 194 та ҳолатда мазкур раҳбарлар жиноят муҳокамаларида иштирок этмаган. 2022 йил 9 ойи якуни бўйича содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари юзасидан қўзғатилган жиноят ишлари сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30 тага (282 тадан 252 тага) ёки 10,6 фоизга камайган бўлсада, ҳодисалар Жондор (3 тага), Пешкў (1 тага), Қоровулбозор (1 тага) туманлари ҳамда Бухоро шаҳрида (4

¹⁴ Атажанов Ў.М. Ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг маҳалла фуқаролар йиғинларидаги ҳисобот бериш фаолиятининг ҳуқуқий асослари таҳлили. (2022). <https://newjournal.org/index.php/new/article/view/1801/1638> Б. 118.

тага) кўпайган. Йўл-транспорт ҳодисаларининг 52 таси тезликни ошириш оқибатида содир этилганлиги аниқланган¹⁵.

Хулоса

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишда «фуқаробай» ишлашнинг аҳамияти – профилактик чора тадбирларнинг манзилли ва мақсадли йўналтирилиши орқали аниқ шахсларга таъсир чораларини кўриш, унинг таъсирчанлигини ошириш, қолаверса, вақт, куч ва воситалар ортиқча сарфланишига чек қўйишга эришилади.

Бухоро вилоятида амалга ошириладиган янги тизимни янада мақсадли амалга ошириш учун қуйидаги таклифларни амалиётга тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман;

Биринчидан: Ички ишлар органлари профилактик ҳисобида турувчи шахслар билан ишлашда уларнинг ижтимоий ҳимояга мухтожлиги билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга эътибор қаратиш;

Иккинчидан: Соғлиқни сақлаш органлари психиатр врачлари билан ҳамкорликда профилактик ҳисобда турувчи ва жиноят содир этиш эҳтимоли бўлган ҳар бир шахснинг психологик қиёфасини тузган ҳолда яқка тартибдаги чораларни қўллаш;

Учинчидан: Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар билан ишлашда уларга мураббийларни ҳудуддаги имом хатиблар, отинойилар ва бошқа маҳаллий давлат органларининг вакиллари билан тайинлаб, улар билан ҳамкорликда иш ташкил қилиш;

Тўртинчидан: Профилактика инспекторларининг ҳалқ олдида бериладиган ҳисобот йиғилишларига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари ва бошқа жамоат ташкилот вакиллари ҳам жалб қилиб, уларнинг ўз йўналишлари бўйича аниқланган муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари бўйича маърузалар билан иштирок этиши каби.

Шу билан бирга қуйидаги тадбирларни кучайтириш орқали янада самарали натижаларга эришиш мумкин:

- фуқароларнинг ҳаётини муаммо ва эҳтиёжларини ҳал этиш, секторлар доирасида ишларни ташкил этиш сифатини ошириш, аҳоли, айниқса ёшлар билан очиқ, тўғридан-тўғри мулоқотни кучайтириш;

- маҳаллалардаги тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари ҳамда ёшлар етакчиларининг фаолияти учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш;

- маҳаллаларда низоли оилалар ва муаммоли тоифадаги аҳоли билан ишлаш, айниқса “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”га киритилган фуқароларнинг муаммоларини ҳал этиш чораларини кўриш жамоат

¹⁵ Халқ депутатлари Бухоро вилояти кенгашининг 17.11.2022 йилдаги VI-68-134-2-0-К/22 сонли қарори <https://e-qaror.gov.uz/doc/990800>

хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мақсадли идоравий чора-тадбирлар ижросини таъминлаш;

- “қизил” ва “сарик” тоифага кирувчи маҳаллаларда жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тегишли тадбирларни амалга ошириш; жиноятлар динамикаси, вақти бўйича асосий қисми кечки ва тунги вақтларда содир этилаётганлигига ҳамда олдини олиш мумкин бўлган жиноятчиликда салмоғи юқори бўлган жиноятларга алоҳида эътибор қаратиш ва бу борада тегишли чора тадбирлар белгилаб олиш; ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича “ижтимоий профилактика” тизимининг натижадорлигини ошириш;

- фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришдаги ҳуқуқий тарғибот ишларида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан доимий ҳамкорлик қилиш;

- жиноят салмоғи ошаётган ҳудудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва фош этишда замонавий коммуникация технологияларидан фойдаланиш мақсадида туманлар ва шаҳарларидаги оғир маҳаллаларда кузатув камералари ўрнатиш чораларини кўриш ва улардан самарали фойдаланиш;

- вилоятдаги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда содир этилаётган жиноятларни ўз ҳудудида муҳокама қилиш;

- жиноятчиликнинг олдини олиш ва уни жиловлаш бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда сусткашликка йўл қўйган масъулларга нисбатан белгиланган тартибда интизомий чоралар кўриш; жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни секторлар негизида “маҳаллабай” ва “соҳабай” муҳокама қилиб, содир этилган жиноятнинг сабаб ва шароитларига баҳо бериш ва уларни бартараф этишга қаратилган аниқ ва таъсирчан тадбирларни белгилаш, маҳаллий кенгашларда танқидий кўриб чиқиш;

- содир этилган жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилишда масъул ташкилот ва идоралар раҳбарларининг шахсан иштирок этишини таъминлаш;

- ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчилик ва йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича белгиланган вазифалар бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

- ёшлар масалаларида амалга оширилаётган ишлар натижадорлигини ҳар ойда халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашларида танқидий муҳокама қилиб бориш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т: Ўзбекистон НМИУ. 2016, – Б.13.

2. Атажанов Ў.М. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг жамоат хавфсизлигини таъминлашдаги долзарб масалалар . (2023). World Scientific Research Journal, 12(2), 81–89. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2530> Б. 85.
3. Ўзбекистон Республикаси ИИБ, Бош Прокуратура, Миллий Гвардия, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 25.12.2023 йилдаги қўшма қарори.
4. Бухоро вилоят ИИБ статистика маълумотлари.
5. Атажанов Ў.М. Ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг маҳалла фуқаролар йиғинларидаги ҳисобот бериш фаолиятининг ҳуқуқий асослари таҳлили. (2022). <https://newjournal.org/index.php/new/article/view/1801/1638> Б. 118.
6. Халқ депутатлари Бухоро вилояти кенгашининг 17.11.2022 йилдаги VI-68-134-2-0-К/22 сонли қарори. <https://e-qaror.gov.uz/doc/990800>